

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 38 (65914)
1996 йил, 5 июнь, чоршанба

Сотувда
эркин нархда



Дижжам! Дижжам! Дижжам!

«Тонг юлдузи»га иккинчи ярим йиллик учун обуна давом этмоқда



«ТОНГ ЮЛДУЗИ»НИ НЕГА ҲАҚИЯТ?

...Ушанда мактабда яхши уқимасдим. Тугриси, аълочи булгим келарди-ю сира уйдасидан чиқа олмасдим. Синфимиздаги қизлар булса фақат илгор болаларни хурмат қилишарди. Буям майли-я, бир-бирлари билан шу қадар аҳил эдиларки, гуё улар бир оиладану менгина бегонадай. Айниқса байрамларда, бирор тантанали тадбир утказилиши олдидан чекка-чеккада узок тортишишлари, шивиршивир қилишлари ҳатто гашимни келтирарди. Ҳаммадан ҳам энг аълочи, одобли, чиройли Асалоининг ҳам улар билан биргалигига чидолмасдим.

«Хап сенларними, шошмай турларинг, бизнинг кучада ҳам байрам булиб қолар» дея турли-туман режалар тузардим.

Бир куни денг кутубхоначимиз олиб келган «Тонг юлдузи» (уша вақтда «Ленин учкуни») газетасини эринчоқлик билан варақдай бошладим. Бир оз уқиғач, қизиқиб қолдим. Унда биз сингари мактаб уқувчилари томони-

дан ёзилган мақола, шеър ва ҳикоялар босилган экан. «Мен ҳам ёзиб юборсам, босишармикан?» деган уйда, газетани уйга олиб келдим. Кечқурун алламаҳалгача утириб, мактабимизда бир ҳафта олдин булиб утган мактаблараро математика олимпиадаси ҳақида хабар ёздим.

Орадан ун кунча утгач, кичикроқ хабарим босилиб чиқди. «Эҳ, купроқ ёзганимда каттароқ булиб чиқарди» уйладим ва яна қўлимга ручка олдим. Энди кутубхоначимиз Зиёда опа ҳақида батафсилроқ мақола ёздим. У ҳам куп утмай эълон қилинди. Мендан ибрат олиб, бошқалар ҳам редакцияга хат ёзишди. Аммо уларга хат орқали жавоб юборишди, холос. Ҳа, бутарафдан омад менга кулиб

чи март сценарийсини бир муҳокама қилиб олсак, Шавкат, вақтинг қалай?» деб қолди. Мен: «Етарли» дедим секин мамнунлигимни яшириш учун.

Шундай қилиб, бошқаларнинг менга булган хурмати туфайли ёки устозларим эътибориданми, уқишларим ҳам уз-узидан яхшиланиб, аълочилар сафига утиб олдим. Бу ютуқларнинг ҳаммаси «Тонг юлдузи» туфайли эканлигини яхши билардим.

Хуллас, мактабни муваффақиятли битирдим. Ҳозир банкда ишлаяпман, икки уғлим бор, уларни ҳам доимо газета уқишга ундайман. Ҳар йили «Тонг юлдузи»га обуна буламиз. Чунки унинг оиламиз учун фойдаси катта.

Шавкат ОТАЖОНОВ.

Асака шаҳри.



боққанди.

Энди курсангиз, синфдошларимнинг менга булган муносабати бутунлай узгарди. Маслаҳатли йиғилишларга мени ҳам айта бошлашди. Ҳатто Асалоий бир куни: «Саккизин-

АВВАЛ СИНАБ КЎРАЙ ДЕДИМ

Бу йил «Тонг юлдузи»га фақатгина ярим йиллик учун обуна булган эдим. Уқиб кўрай, синаб кўрай, яхши булса, кейин бир гап булар, дегандим-да.

Мана, олти ой ҳам тезгина утиб кетди. Лекин мен уз газетамдан жуда куп нарсаларни уқиб, урганишга, ҳатто бир неча бор узим ёзган мақолаларни ҳам унинг саҳифаларида уқишга муяссар булдим. Айниқса менга «Ёш мухбирлар сиртқи мактаби» аъзолари-хабар қиладилар» саҳифаси жуда ёқади. Чунки унда тенгдошларим уз вилоятлари, туманлари, қолаверса, жонажон мактабларидаги қилинаётган энг яхши ишлар, ажойиб янгиликлар, уз ҳаётларидаги қизиқарли воқеалардан баён қилишади. Қизиқарли ҳажвия, ҳазил шеърлар, қувноқ бекатлардаги гаройиб саргузаштлар баён этилган «Хандобус» клуби материаллари, табиатсевар болаларнинг ишлари, гаройиб табиат ажойиботлари ҳақида ҳикоя қилувчи «Нилуфар» клуби, «Шанба ота-оналар куни» саҳифалари жуда-жуда ёқади.

Газетада тез-тез эълон қилиб туриладиган «Тарбия чироклари», «Болаликка содиқ инсонлар», «Соғ юрак-тоғ юрак», «Хуқуқингизни била-

сизми?», «Бозор иқтисодитини урганамиз», «Бизга ёздилар», «Мустақил юрт болалари иқтидорлидир», «Буш вақтларда», «Аълочилар ҳақида ҳикоялар» рукни остидаги мақолаларни маза қилиб уқийман.

Яқинда ушбу газетадан икки муҳим ва қувончли янгилик, яъни редакция қошида «Ёш қаламкашлар мактаби» ташкил этилганлиги ва уни иқтидорли болалар шоири Рауф ТОЛИБ олиб бориши ҳақида уқиб қолдим. Бундан ниҳоятда мамнун булдим. Иккинчи янгилик — «Тонг юлдузи» май ойдан бошлаб эркин сотувга чиқарила бошланди. Уйлайманки, энди газетамиз аввалгидан ҳам қизиқарлироқ ва уқимишлироқ булиб чиқади. Энди уни барча ёшдаги газетхонлар ҳам сотиб олиши мумкин. Бу йилда журналист ака ва опаларимга куч-қувват тилайман.

Сирожддин АЛИМОВ,
Тошкентдаги
217-мактаб ўқувчиси.

Таҳририятдан: Газетамиз эркин савдога чиқарила бошлагандан буён юқоридаги сингари тилаклар, фикр мулоҳазалар, таклифлар битилган мактублар олаяпмиз. Бу албатта бизга келгуси иш режаларимизни тузишда, нималарга купроқ эътибор беришимиз лозимлиги тугрисида амалий ёрдам беради. Бунинг учун бизга хат йуллаган, қунгироқ қилаётган мухлисларимизга катта миннатдорчилик билдирамыз.

Лекин баъзи газетхонларимиз иккинчи ярим йиллик учун қандай қилиб обуна булиш мумкинлиги тугрисида ҳам сўраб хат ёзганлар, қунгироқ қилганлар, оғзаки илтимос қилганлар. Шу сабаб ҳам бугундан бошлаб газетамиз саҳифасида обуна варақасини эълон қилиб борамиз. Мухлисларимиз фақатгина уни зарур жойларини туддириб, истаган жойдаги алоқа булимга топширсалар кифоя.

ИЛМ-БИЛИМ ЕРГА ЭМАС, ЭЛГА

1950-51 уқув йилида Тошкентдаги 22-мактабни тамомлаган 10«А» синфни ўқитувчилар жамоаси яхши хотирлашади: жуда кучли, билимдон болалар эди. Ҳар бир синфнинг аълочилари, синфни орқага тортувчи қолоқлари буладди. Лекин бу синфдаги 31 нафар уқув-

Уша даврда мамлакатимиз урушдан кейинги иқтисодий тангликни бошидан кечириётган кунлар эди. Уқувчилар мактабга юпун кийимларда, оёқларига калишлар кийиб келишар, ҳар доим ҳам қорин туйиб овқат еяверишмасди. Шундай булса-да бундай оғир ша-

эслашади. Урта мактабни тамомлагач 31 нафар уқувчининг бари олий уқув юрғларига ўқишга кирганликлари устозларини ҳеч ажаблантирмаганди.

Ҳозирги кунда собиқ 10«А» лар орасидан 5 нафар фан доктори, профессорлар, 13 нафар фан ном-

ли жабҳаларда астойдил меҳнат қилиб келишяпти.

Яқинда, орадан 45 йил утгач собиқ 10«А»лар яна қадрдон мактаблари томон диллари қувончу ҳаяжондан энгикиб, дийдорлашувга ошиқийди. Уқувчиларини худди уша йиллардагидек меҳрибон ўқитувчилари илиқ қарши олдилар. Фақат энди уларнинг сафлари анча торайган. Қадрдон дуслар дийдорига не етсин! Лекин устозлари сафининг бора-бора торайиб кетаётгани шогирдлари қалбини уртади. Утганларни хотирлаб, тиловат қилишди. Борларига боқий умр тилашди.

Сочларига оқ оралаган «уқувчилар» мактаб директори, Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Ҳакимжон ака Ҳошимов, устозлари, Ўзбекистонда хизмат курсатган ўқитувчи Фазлиддин ака Расулов, ҳамда Абдуллажон ака Суёновлар билан узоқ суҳбатлашдилар, болаликдаги шухликларини хотирлашди. Шу кунларни куриш насиб этмаган синфдошларини эслаб, куз еш ҳам қилиб олишди. Хотиралар оғушида ҳомуш тортиб қолган меҳмонларни мактаб ўқувчилари уз чиқишлари, концерт дастурлари билан хушнуд қилиб юбордилар. Ўз навбатида ўқувчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоб қайтариб, устозларини худди улардек ардоқлаб, эъозлашга, астойдил ўқиб-урганиб, ёшликнинг ҳар фурсатини ганимат билишга чорладилар. Уқувчилар тақдим этган қучоқ-қучоқ гулларни олиб, қадрдон мактаблари, меҳрибон, меҳрибор устозлари билан хайрлашдилар.

СУРАТДА: 22-мактабда бўлиб ўтган собиқ мактаб битирувчиларининг учрашувидан лавҳа.

Р. АЛЪБЕКОВ суратга туширган.



чининг бари илмга чанқоқ, тиришқоқ угил-қизлар эди. Ҳар бир утилган дарсни диққат билан тингашар, ўқитувчини саволларга кумиб, шошириб қуйишарди. Шундан булса керак, 10«А» га дарсга кираётган фан ўқитувчилари алоҳида тайёргарлик билан киришар, ҳатто бироз ҳаяжонланишар ҳам эди.

роит уларнинг ўқиб-урганишларига заррача ҳам таъсир қурсатолмади. Уқувчиларнинг узлари рақс, ҳамда пуфлаб чалинадиган мусиқа асбоблари тугарақлари ташкил қилишган эди. Спорт — уларнинг энг сеvimли машғулоту булган. Ораларидан волейбол буйича туман мусобақалари чемпиони ҳам чиққанлиги ҳақида фахр билан

зодлари етишиб чиққанлиги ҳам бежиз эмас. Севимли шоиримиз Эркин Воҳидовни ким ҳам танимайди дейсиз. Лекин Эркин аканинг ҳам айнан ана шу 10«А» дан эканликларини ҳамма ҳам билвермаса керак. Раҳбар ходимларий ҳам, учувчи ва муҳандислари ҳам бор. Хуллас уларнинг бари мустақил диёримиз равнақи йулида тур-

Уқишлар тугаб, ёзги таътил бошланиши арафасида синфдошларим билан йиғилишиб, «Таътилни ким қандай утказадди?» мавзусида суҳбатлашдик. Кимдир сулим оромгоҳга, кимдир қишлоқдаги бува ва бувилариникига, яна кимдир соғломлаштириш оромгоҳига бормоқчи эканлиги ҳақида ҳикоя қилди. Мен эса ёзги таътилни уйда утказмоқчиман деганимда, «уйда

ЎРГАНГАНИМ ЎЗИМНИКИ

зерикиб қоласан-ку» дейдиганлар ҳам топилганди.

Тугрисини айтсам, зерикишга ҳам фурсат йуқ. Эрта билан барвақт туриб онамга уй юмушларида қарашман. Уларни ишга кузатиб, жажжи сингилчам Нилуфар билан уйда қоламан. Аввал унга қизиқ-қизиқ ҳикоя

ва эртақлар ўқиб бераман. Сунгра узимнинг сеvimли китобларимни қулга оламан. Яна, тикувчи қушимиз Малоҳат опадан тикувчилик сирларини урганишман. Узим мустақил тиккан қуйлакчамни синглимга кийдириб қуйдим, жуда-жуда ярашди.

Ойим бир корхонада машинкачи булиб хизмат қиладилар. Купинча ишхонада улгуролмай қолган ишларини уйга олиб келиб ёзадилар. Ҳозир машинкада ёзишга қизиқиб қолганман.

Қулим ҳам анча келишиб қолди. Унча катта булмаган матнларни бир текисда, беҳато қилиб ёзиб беряпман. Юмушларини бироз булсада енгил қилаётганимдан ойижоним шодланиб: «Ёзавер қизим, баракалла. Ердлашганинг менга фойда булса, урганганинг узингта...» дейдилар. Тугри, ҳозир керакли ҳарфни топиш учун бироз қийналиб турибман. Ҳали таътил олдинда, урганишим учун фурсат етарли, шундай эмасми?!

Наима НАСИМОВА,
Тошкент шаҳри.



ТАДБИРКОР БОЛАЛАР ВА КАТТАЛАР

Кейинги пайтларда мактабларда аълочи ва жамоатчи ўқувчиларга рағбатлантириш маъносида стипендиялар берилаётгани ҳақида гапирляпти. Бундай усулнинг ижобий самара бераётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Лекин ана шундай ибратли тadbирлар учун маблагни қаердан олиш керак? Қай бир мактабларга бу борада ҳомийлари кумаклашаётган булса, яна баъзилари «ҳомийларимиз йуқ» дея қул қовуштириб утиришибди. Касби туманидаги бир қатор мактабларда эса бу борада ибратли йул тутилган. Бу ерда ўқувчиларни таълим-тарбияли, билимли ва хунарли ёшлар қилиб тарбиялаш мақсадида кичик ва ёрдамчи хужаликлар ташкил қилиняпти. Бундай фаолиятдан келадиган маблаглар таълим-тарбия соҳасида ибратли ютуқларни қулга киритаётган ўқувчилар ҳамда аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш, мактаб кутубхонаси фондиди кенгайтириш, турли ўқув-тарбиявий, маданий тadbирлар уюштириш сингари хайрли ишларга сарфланыпти. 10 гектар майдонга эга булган Насрулла Жамолов номли мактабнинг ҳисоб рақамидидаги 95 мингдан ортиқроқ маблаг ҳам худди ана шу мақсадларда харажат қилиняпти.


Тумандаги Тилоҳат Қобилова номли мактаб қошида дуралгорлик, сартарошлик ва пойафзал таъмирлаш устaxonалари ташкил этилган булиб, аҳолига пуллик хизмат қурсатиляпти. Яқин кунларда мактабда яна янги тегирмон ва мойжувоз ҳам ишга туширилади. Бундай ибратли ишларни амалга ошираётган тadbиркор болаларга катталар — мактаб раҳбарлари, муаллимлари бош-қош булишяпти.

Севин ОЧИЛОВ,
Наманган вилояти,
Касби тумани.

Акс садо

Кумқургон бозоридаги «бизнесменлар» мақоласини ўқиб, бир воқеа ёдимга тушиб кетди. Бундан 7-8 йил илгари боғимиздаги олмалар гарқ пишган маҳал улардан бир тоғора териб, бозорга олиб чиққандим. Ҳали сотиб ҳам улгурмасимдан, ёнимга бир милиционер амаки ке-

МЕН БОЗОРГА ЧИҚАМАН



либ: «Қутар тоғорангни, ўқувчилар бозорга чиқиши таъқиқланган» деб койиб берди. Шу-шу бозорга чиқмаганман. Эндиликда-чи, бозорларимизда болаларнинг савдо қилишлари одатий ҳолга айланиб қолди. Тунов кунни мактабдан қайтаётган 11-12 ёшлар чамасидаги болаларнинг суҳбатини эшитиб қолдим:

— Шухрат, эртага синфимизни таъмирлаш ишларини бошлар эканмиз. Уқитувчимиз «келиб, қарашиб юборинглар» дедилар. Сен ҳам келасанми?

— Булмаган гапни гапирма; — жавоб берарди унга тенгдоши. Мактабга келиб ишласак, биров 1 сум берармиди? Ундан кура бозорга чиқаман. Қодир акам Туркиядан мол олиб келдилар. Сотиб буюраман. Жуда «хадавой» моллар. Маза қилиб пул ишлайман. Энди ўқишлар йуқ, эртадан кечгача бозорда буламан. Сен мени курмандинг, мен сени, тушундингми?..

Қатор қилиб қуйилган столлар устига турли хил ширинликлар, сақич ва печенье-ларни ёйиб қуйиб, утган-кетганга гап отиб утирган «бизнесмен» болакайларни куз олдимга келтирдим. Уларни тadbиркорлар деб буладими ахир?! Менимча олиб-сотарликдан бошқа нарса эмас. Ачинарлиси шундаки, айни ўқиб-урганадиган, бирор бир хунарнинг бошини тутиш учун қулай булган фурсатларининг қадрига на болалар, ва на уларнинг ота-оналари етишмаяпти.

Ҳавасхон СОДИҚОВА,
Тошкент вилояти,
Красногорск қишлоғи.



Олдинда илтиҳомлар

ОРОМГОҲЛАР

Болаларнинг ёзги таътил кунлари ҳам бошланди. Уни кунгилдагидек мароқли утказишлари кўп жиҳатдан биз катталарга боғлиқ. Сулим оромгоҳларни, соғломлаштириш масканларини ёзги мавсумга тайёрлаш ишларини тегишли ташкилот ва муассасалар баҳор ойлариданоқ бошлаб юборишган. Шу кунларда эса бундай масканлар болажонларимизни уз баърига чорламоқда.

Бўйлиги ёзги тайёргарлик қай даражада? Оромгоҳлар мавсумга шайми? Йулланмаларнинг нархлари қандай? каби саволлар билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси уринбосари, Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси марказий кумитаси раиси Озода Анваровна Муҳиддиновага мурожаат қилдик.

— Маълумки, Ўзбекистонимиз энг болажон мамлакатлардан бири. Аҳолининг ярмига яқинроғини ёшлар ташкил этади. Зеро, ёшлар бизнинг келажагимиз, эртанги кунимиз. Айни таътил кунларида фарзандларимизнинг мароқли дам олишлари, соғломлаштириш ишларини ташкил қилиш борасида та-

лайгина ишлар амалга оширилди. Лекин касаба уюшмалари олдида ҳозирги бозор иқтисодига утиш шароитида бу борада бир қатор муаммолар ҳам кундалинг бўлиб турибди. Озиқ-овқат маҳсулотлари, товарлар, хизматлар нарх-навоси ва сарф-харажатлар узгарди. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам болаларнинг кунгил-

МАВСУМГА

ли дам олишлари учун етарли шарт-шароитларни имкон қадар яратишга ҳаракат қиляпмиз.

Дастлабки маълумотларга қўра бу йилги мавсумда 1561 та болалар оромгоҳлари фаолият курсатади. Шулардан 355 таси шаҳардан ташқаридаги соғломлаштириш оромгоҳлари, 95 та санатория, 11 та спорт лагерлари, ҳаммаси бўлиб 455 та стационар базаси лагерлари фаолият курсатади. 100.845 нафар уғил-қиз мактаблар қошидаги соғломлаштириш оромгоҳларида дам оладилар. Имкониятлардан келиб чиққан ҳолда бу йилги соғломлаштириш мавсумида 374 минг 360 нафар болаларнинг кунгилдагидек дам олишлари режалаштирилмоқда. Шу мақсадларда жамми 397.8 млн

сум миқдорда маблағ сарфлаш кўзда тутилган.

Бугунги кунда болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йулланма баҳоси хужалик сарф-харажатларисиз 2130 сумни ташкил этади. Шуниси қувонарлики, йулланма баҳосининг атиги 10 фоизигина ота-оналар зиммасига тушяпти. Спорт соғломлаштириш масканларида ва мактаблар қошидаги кундузги ишлайдиган оромгоҳларда барча сарф-харажатларнинг 90 фоизини Ўзбекистон КУФК ижтимоий сугурта фонди уз зиммасига олади.

ШАЙМИ?

Шўнингдек, Оролбўйи зонасидан 4 минг 300 бола соғломлаштириш учун республикамизнинг баҳаво ҳудудларига олиб келинади. Болаларни соғломлаштириш ишларига халқ таълими вазирлиги, соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун», «Экосан» жамғармалари, болалар фонди, «Камолот», Давлат спорт кумитаси, «Маҳалла» жамғармалари ҳам уз улўшларини қўшсалар, нур устига аъло нур булар эди.

Ф. ЖАЛИЛОВА ёзиб олди.

Анора опа уз хонасига кириб келган ҳам эдики, уни бир муйсафид кутаётганини айтишди.

— Болам, менга Зиёда қизим керак эди, — деди ҳол-аҳвол сурашгач бобо. — Набирам ногирон, юролмайдди, эртадан кечгача зерикмасин деб у билан овораман. Агар иложи бўлса, машгулотларингга олиб келиб турсам. Эшитишимча, ногирон болалар учун ҳам тугарак очган эмишсизлар.

— Ҳа, очганмиз. Уни сиз айтган қизингиз Зиёдахон Ҳасанова олиб борадилар.

Таътилнинг ҳар дами умрга татир

лар эл оғзига тупниб қолди. Термизнинг қоқ марказида жойлашган уч қаватли қўркам бино фақат болалар учун хизмат қилади. У бундан икки йил аввал ишга туширилган. Ушанда «Бундай ҳашаматли бинони болалар нима ҳам қиларди, ундан қўра харажатларини фақир-мискинларга бўлиб берилса бўлмайдимиди? деганлар ҳам бўлди. Аммо орадан бир йил утгач, улар янглишганликларини, бу ерга нафақат шаҳар, балки Термиз туманидан ҳам ўқувчилар



барлигидаги рақс тугарагига айниқса қизиқиш катта. Унда 80 га яқин қизалоқлар санъат сирларини урганишяпти. Ҳа-

шанка, ёш физиклар, ёш математиклар, инглиз тилини урганиш тугарақлари ҳам фаолият курсатмоқда. Яқинда эса Ўзбе-

шувлар, савол-жавоб, шеърят кечалари утказиб турилади. «Соҳибқирон авлодлари», «Буюк Турон», «Тугарак раҳбари—96», «Бизни дуо айланг боболар» каби қизиқарли кеча ва мусобақалар шулар жумласидандир.

Яқинда саройнинг драма, рақс, ёш доирачилар ва бошқа тугарақлар аъзолари ҳамкорликда Халқаро Болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб «Келажаги буюк давлат болаларимиз» театрлаштирилган кечасини утказишди. Тадбирни кўпгина ота-оналар, бобо-бувлар томоша қилишди.

Рустам ДАВЛАТОВ,
Сурхондарё вилояти,
Термиз шаҳри.

Суратларда: Тугарак машгулотларидан лавҳалар.

Эл мактабига келиш

— Унда набирамни олиб келаверсам буларкан-да.

— Албатта, эртага тугарак раҳбари билан бафуржа гаплашасизлар.

— Бобо кетгач, директор мамнўлик билан жилмайди. Нега ҳам хурсанд бўлмасин, ахир одамларга керак эканлигини ҳис қилиш қандай бахт.

Сунгги вақтларда Анора опа раҳбарлик қилаётган ўқувчилар саройида олиб борилаётган иш-

келиб, санъат ва ҳунар сирларини урганаётганликлари, бу эса жуда кўп оилаларга наф келтираётганидан мамнўн эканликларини тан олишди.

— Ёзги таътил бошланиши билан саройимиз янада гувжумлаша бошлади, — дейди унинг раҳбари Анора опа Эшбосва. — Ҳозир бу ерда 41 та тугарак ишляпти. Республикада хизмат курсатган маданият ходими Марҳамат опа Давлатова раҳ-

сан Боқиев раҳбарлигидаги доирачилар, Фахриддин Қаршиев етакчилигидаги дурадгорлик тугараги аъзолари катта қизиқиш билан машгулотларда иштирок этаётгилар. Шунини ҳам айтиш керакки, ёзги таътил пайтида зарур бўлса баъзи тугарақларимизни болалар дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларига кучириш ниятимиз ҳам бор.

Ўқувчилар қошонасида бокс, футбол, таэквондо, шахмат-

кестон Халқ маорифи аълочиси Зиёдахон Ҳасанова ташаббуси билан ногирон болаларни касб-ҳунарга ургатиш тугараги ҳам очилди.

— Термиз Давлат дорилфунуни олимлари, Маннон Уйғур номидаги вилоят драма театри билан ҳамкорликда ишляпмиз, — дейди ёш санъат ихломандларини тарбиялаётган Марҳамат опа Давлатова. — Ҳар кун бу ерда турли белла-



ВАҚТ

ИЛҲОМЧИСИ

Фунча очилгунча ўтган
фурсатни

Капалак умрига қиёс
эттулик.

Баъзида бир нафас олгудек
муддат

Минг юлдуз сўниши учун
еттулик.

Яшаш соатининг олтин
капкири

Ҳар бориб келиши бир олам
замон.

Койнот шу дамда ўз
куррасидан,

Ясаб чиқа олур янгидан
жаҳон...

Шоир Фафур Гуломнинг ижо-
диёти уз замин ва замонасининг
энг илгор гоёлари, теран

инсоний изланишлари билан ту-
лиқдир. «Вақт» номли ушбу
шеъри адиб ижодининг шоҳ са-
трларидан десак, муболага бул-
майди. Биз Ф. Гулом билан суҳ-
батлашиб шарафига муяссар
булмасак-да, ушбу шеърнинг
илҳомчиси булмиш шоирнинг
жияни, хизмат курсатган шифо-
кор Ҳамидулла Ҳусанов билан
«Вақт» шеърининг ёзилиши та-
рихи, унинг лебодаси ҳақида суҳ-
батлашдик.

— Фафур Гулом амакимнинг
угли булиб, Хадрадаги «Қургон-
теги» маҳалласида, деярли бир
уйда катта булганмиз. Мен улар-
ни «ака» дердим. Чиндан ҳам
биз ака-укадек улгайдик. Фафур

Бир шеър тарихи

акамнинг таъсиридан булибми,
мен ҳам ўқувчилик йилларим-
дан то шу кунларга қадар қалам
тебратиб тураман. Фаробий но-
мидаги 90-мактабда ўқиб юрган
кезларимда илк ижодим «Ле-
нин учқуни» (ҳозирги «Тонг юл-
дузи») газетасида чиққанида Фа-
фур акам ҳурсанд булиб, ижо-
димга оқ йул тилаганлари ҳали-
хануз ёдимда. Ушунда ҳозирги
етук ёзувчи булиб етишган Ҳа-
мид Гулом билан бир синфда
ўқиганман. Иккимиз ёзганлари-
мизни Фафур акамга қурсатиб
турар эдик. Астойдил ҳаракат
қилсам, ёзувчи булиб кетишим
ҳам мумкин эди. Лекин мен ши-
фокорлик касбини афзал кур-
дим. Қолаверса, у пайтларда ши-
фокорларга эҳтиёж жуда кучли
булган. Бу орада уруш бошла-
ниб қолди. Урушнинг энг олов-

ли нукталари-
да ротага
командир
булганман.

5 йиллик уруш давомида Стали-
нградни озод этишда қатнаш-
дим. Руминия, Венгрия, Авст-
рия, Чехословакия ва бошқа
мамлакатларда жанг қилдим.
Фронтда «Ватан учун», «Ста-
линград байроғи» номли газет-
ларда ишладим. Урушнинг сун-
ги давларида Прагада уйдаги-
ларга, қариндош-уруғларга тақ-
дим этиш учун бир қанча кул
соатлари сотиб олишга имко-
ният топилди. Уйга галаба би-
лан қайтгач, уз яқинларимга
шу жумладан мени кургани
келган Фафур акамга ҳам шу

соатдан совға қилган эдим.
Шундан кейин 15 кун утар-
утмас газетда «Менга соат
тақдим этган жияним, майор
Ҳамидулла Ҳусан ўлига ба-
ғишланган» деган сўзбоши би-
лан ёзилган «Вақт» номли
шеъри босилиб чиқди. Сал
кун утмай бу шеърнинг тар-
жимаси «Правда» газетасида
эълон қилинди.

Ҳаёт шаробидан бир қултум
ютай,

Дамлар ғаниматдир умрзоқ,
соқий.

Кўёш-ку фалакда кезиб
юрибди

Умримиз боқийдир,
умримиз боқий...

Саида ЗОКИРОВА.



Қушиққа, куйга ҳамроҳлар
қаримайди, чунки кунглидан
қувноқ ҳислар аримайди. Бой-
си — куй ва қушиқ одам оғири-
ни энгил қилгувси. Қушиққа
ҳамроҳдир қувончи, кулгуси...

Боболаримиз қушиқ айтиб
жантга кирганлар ва галаба қо-
зонганлар.

Меҳнат қилиб боғ-роғлар
яратганлар ва эл меҳнати, меҳ-
ри куй-қушиққа ҳамоҳанглиги
билан мангу эканлигига зами-
ну замонларни қаратганлар!

Пойтахтимизнинг Собир Ра-

ҚУШИҚ АЙТГИМ
КЕЛАДИ

Қушиқ айтгим келади,
Жўшиб айтгим келади,
Муҳаббатим, меҳримни
Қўшиб айтгим келади.
Мен куйласам сойлар ҳам
Шарқирайди жўр бўлиб.
Кундуз кўёш, тунда ой
Ярқирайди нур бўлиб.
Дурлардан, нурлардан мен
Сипқорганда ҳовучлаб,
Шодлиғинг ба! қарор деб,
Туриш бахтим. 4 тилаб...

ҳимов туманида жойлашган 298-
мактаб ўқувчилари ҳам қалбан
қувончга ошно болалар. Чунки
улар куйлашни биладилар. Куй
ва қушиқларида эртанги кун
янада қувноқ, янада сермазмун
булади деб суйлашни билади-
лар. Бунга Болаларни ҳимоя қи-
лиш кунига бағишлаб утказил-
ган катта концерт дастури ҳам
тувоҳ.

Суратқаш Д. Аҳмад.



Мақтабда ўқувчиларга билим,
таълим-тарбия бериш, уларнинг
маънавий ва эстетик дунёқара-
шени бойитишда бошқа фан-
лар билан бир қаторда мусиқа
фани ҳам алоҳида аҳамият касб
этади. Чунки мусиқа дарсида
нафақат фан ҳақида маълумот,
балки ноталар, ҳар хил белги-
лар, терминлар ва бастакорлар
ҳаёти билан таништирилади,

МУСИҚАНИ

Ўқувчиларнинг ёшига, даврга,
фаслга мос ҳолда қушиқлар ур-
гатилади. Бу эса мураккаб фан-
лардан чарчаган, толиққан ўқув-
чиларга янгидан куч, кутарин-
ки кайфият бахш этади. Улар
мана шу бир соатлик дарс даво-
мида узларини эркин тутадилар,
маданий ҳордиқ чиқарадилар.

Халқимиз азалдан санъат
шайдоси, куй-қушиқ ихлосман-
ди. Каттами, кичикми, ҳар қан-
дай тантана-ю маросимларимиз
карнай, сурнай наволари, созан-
даю ҳофизларсиз утмайди. Мак-
табларимизда утказиладиган
очиқ тарбиявий соатлар, байрам-
ларга бағишланган турли кеча-
лар, мусобақа, беллашув ва уч-
рашувлар ҳам шулар жумласи-
дандир. Лекин шу уринда бир
нарсага эътибор бериш лозим,
деб уйлайман. Юқорида санаб
утилган тадбирларда ижро эти-
лаётган қушиқлар, рақсларни-
нг ҳаммаси ҳам ўқувчиларнинг
ёшига мос тушади, деб бул-
майди. Ўқувчилар севги-муҳаб-
бат мавзуидаги «улдим-қуйдим»,
енгил-елши бачкана қушиқлар-
ни ҳам айтишадими, уларни ти-
нглаб, ҳайрон қоламан киши.

Мақтаб ва боғча ёшидаги бо-
лалар учун мулжалланган куй ва
қушиқлар ёзилган магнит тас-

малари, пластинкаларни дуконлар-
дан, овоз ёзиш студияларидан то-
пиш амри маҳол. У ерлардаги тас-
ма ва пластинкаларнинг аксария-
тини хорижий куй ва қушиқлар
ташқил этиши таажжублантиради
кишини. Радио ва телевидение
орқали берилётган болаларбоп куй
ва қушиқларни магнит тасмала-
ри, пластинкаларга ёзириб, со-
тувга чиқарилса, фойдадан холи
булмасди. Мақтабларда ҳам муси-
қа фанидан дарслик ва кулланма-
лар кам. Мустақиллигимиз шаро-
фати билан купина китоблар, жум-
ладан, тарих, адабиёт каби дарс-
ликларга тузатишлар киритилиб,
ўқувчиларга етказиб берилди. Ле-
кин мусиқа китоби етарли эмас.

СЕВАМИЗ,

Ёдимда бор, ўқувчилик даври-
мизда мактаб кутубхонасидан ўқув
йили бошида барча дарсликлар тар-
қатиларди. Лекин улар орасида му-
сиқа китоби олганимизни эслол-
маймиз. Шунга қарамай, мусиқа
ўқитувчимиз Илҳом ака Турсуна-
лиев кулида турли синфга тааллуқ-
ли булган мусиқа китоби билан
дарсга кирар шу дарсликдан фойда-
ланиб, бизга сабоқ берарди. Муси-
қа иштиқимиз баланглигиданми
ё устоз берган таълимнинг сеҳри-
данми, синфимиздаги ўқувчилар-
дан рубобчилар ансамбли тузил-
ди, мактабимиз хор жамоаси таш-
қил этилганди. Устоз раҳбарлиги-
даги бу ансамбль ва хор жамоаси
туман, вилоят миқёсидаги «Санъат
байрами»да фаол иштирок этиб,
совринли уринларни эгаллаган эди.

Ижодкорларимиз орасида бола-
лар учун асарлар ёздиганлари та-
лайгина. Аваз Мансуров, Надим
Норхужаев, Дилором Омонуллае-
ва, Шермат Ерматов каби таниқли
бастакорларининг болалар ва ус-

Катталар,
эътибор беринг!

мирлар учун ёзилган асарлари
жуда кўп. Лекин бу асарлар ҳо-
зирча фақат телевидение ва ра-
дио орқалигина тарғиб қилина-
ди.

Шу кунларда республикамиз
буйлаб «Ўзбекистон— Ватаним
маним» шиори остида қушиқ-
лар курик-танлови утказиладиган-
лиги сабабли булса керак, газета
ва журналлар саҳифаларида Ва-
тан мавзуидаги қушиқлар куп-
лаб куришиб қолди. Мақтаб ва
болалар боғчаларида таҳсил бера-
диган мусиқа фани муаллимла-
рига бир оз булсада энгиллик
туғилгандек. Менимча, танлов-
да яхши деб топилган қушиқ-
ларга бефарқ булмай, болалар ва
усмирлар учун ёзилган асарлар-
ни жамлаб, алоҳида китоб холи-
да чиқарилса, ёмон булмасди.
Балки бундай режа тузиландир

АММО...

ҳам. Умуман бундай муаммо-
ларни тезроқ ҳал этиш зарур.
Чунки ўқувчиларнинг қуллари-
да дарслик ва кулланмалар мав-
жуд булса, ҳам дарснинг самара-
дорлиги, ҳам ўқувчиларнинг му-
сиқа фанига қизиқишлари орта-
ди. Зеро ҳар бир мусиқа фани
ўқитувчисининг асосий мақса-
ди ўқувчини билимдон ва қал-
бан гузал қилиб тарбиялашдир.
Шундай экан, бу ишлар билан
шугулланувчи мутасадди уртоқ-
ларнинг келажагимиз эгалари
булиши — ёшларга, хусусан мак-
таб ўқувчиларига нисбатан
беъътибор булмасликларини ис-
тардим.

Исфандиёр БОТИРОВ.

ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Таҳрир ҳайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
саҳифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табақ
Буюртма — Г-0317.
7691 нусхала босилди.
Қоғоз бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

• Руйхатдан ўтин тартиби
№ 000137
• Манзилимиз: 700083,
Тошкент шаҳри,
• Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
• Телефон:
• 33-44-25

